O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KUTUBXONASI
INV.№

Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● E-mail: info@xs.uz ● 2005 йил 10 март, № 47 (3592) Пайшанба

Сув келтирган элда азиз

Марҳамат туманидаги "Сув қурилиш" масъулияти чекланган жамият қурувчилари "Туямўйин-1" ҳамда "Туямўйин-2" каналларини сифатли таъмирдан чиқаришда жонбозлик кўрсатишмоқда. Шунингдек, қурувчилар томонидан "Шўрканал" сув насосини ишга тушириш юзасидан ҳам катта ҳажмдаги қурилиш ишлари олиб борилмоқда. Жумладан, 90 метр баландликдаги майдонга сув чиқариш учун 2,5 километр масофага қувурлар ётқизилди. Муҳими, "Шўрканал" сув насоси ишга тушгач, 500 гектардан зиёд майдон оби-ҳаёт билан таъминланади.



Суратларда: қурилиш устаси Раҳмонали Жўраев (чапда), бетончи Каримберди Бердиёров иш устида; "Шўрканал" сув насоси қурилишидан лавҳа акс эттан.

Тоҳиржон ҲАМРОҚУЛОВ олган суратлар.

НОННИНГ УШОҒИ ҲАМ НОН

Доно халқимизнинг хўб ажойиб хислатлари бор. Бехосдан ерга тушган нон бурдасини кўрса, дарров қўлга олади, кўзига суртиб, оҳиста ўпиб, холироқ жойга авайлаб қўяди. Бу манзарани кўрган гўдак дастлаб ажабланиши мумкин, кейинчалик ўзи ҳам шу удумга амал қилади. Нонни бунчалик эъзозлашимизнинг сабаби нимада? Айтиш керакки, халқимизда нонга нисбатан бундай эътиқод бир неча асрлар мобайнида шаклланган.

Нон — ризқ-рўзимиз, тириклик рамзи. Уни авайлаган одам умридан барака топади, хор қилган — зор бўлади. Шу ҳолатда инсоннинг энг эзгу фазилати ёрқин намоён бўлади. Ҳеч қачон нонни кўзига суртган одамда ёвуз ният бўлмайди, фақат яхшиликни, бунёдкорликни ўйлайди. Минг шукурки, ўзбекнинг асосий қисми эзгуликни, файзу баракани дилига жойлаб яшайди.

Нонни фақат ризқу насиба бўлгани учунгина эъзозламаймиз. Гап шундаки, шу бир парча мўъжизада жуда кўплаб инсонларнинг меҳнати мужассам. Механизатор ерни экишга тайёрлаб, уруғни далага сепган бўлса, сувчи оби-ҳаёт тараган, деҳқон туну кун ғаллазорда ишлаган. Тегирмончи буғдойни унга айлантирган, новвой тандир ёнида олов билан олишиб, бўрсилдоқ нонларни ёпган. Қанча меҳнат, қанча вақт керак бўляпти шу нон учун?! Бир-бирига силсиладек уланиб кетган меҳнат жараёни халқимизнинг қанчалик бунёдкорлигини ифодалаб турибди.

Энди ана шу давомли занжирни узишга уринишни қандай баҳолаш мумкин? Беписандлик, ғофиллик, монтепкилик. Бошқача сўз тополмадим. Ўзингиз ўйланг: одамлар далани экишга тайёрласа, уруғлик сарфлаб экса, ям-яшил майсазорни, кимнингдир лоқайдлиги туфайли, чорва моллари оёқости қилса, увол эмасми? «Увол» сўзи эса гуноҳдан ҳам оғирроқ маъно беради.

Шундай ишни ўзига эп кўрган одамнинг кўзларига тикилиб хитоб қилгим келади: ҳой, биродар, инсоф-диёнат борми сизда? Даладаги экинзорни молингиз пайҳон қилгани бутун халқимиз юзига оёқ қўйиш билан тенг эканлигини биласизми? Умрингизда бирор савоб иш қилганмисиз? У ҳолда нега ёнингиздаги юртдошингиз меҳнатини менсимаяпсиз? Шу ишингиз ёш авлод олдида ёмон намуна бўлаётганини ўйлайсизми?

Қарорни ўқиб

Президентимизнинг матбуотда эълон қилинган «Экинларни пайҳон қилишга қарши кураш чораларини кучайтириш тўғрисида»ги қарорини ўқиб кўринг. Сиз каби масъулиятсиз, лоқайд одамлар сабабли шундай ҳужжат дунёга келди. Нима, ҳар йили сизга ўхшаган юртдошларимизни тартибга келтириш учун милиция, маҳалла оёққа туриши керакми? Уларнинг асосий юмушлари бор-ку?! Шунга мажбур қиляпсиз. Қачон ҳар ким ўз ишини билиб қилади?

Экинзорлар пайҳон бўлишига қарши чора-тадбирлар ҳақида сўз кетганда, бир мулоҳазани айтиш ўринлидир. Бу борада қонунни бузган шахсларга таъсирчан жазолар қўллаш керак. Бироқ аввалги йилларда айрим чоралар ҳақида сўз юритилдики, уни соғлом ақл билан ўйласангиз, қуюшқонга сиғмайди. Нима эмиш, кимнинг моли экинзорга тушса, шартта сўйиб, гўштини кам таъминланган хонадонларга бўлиб бериш йўлга қўйилибди. Ие, бу қанақа чора? Агар қорамол «пичоққа илинмайдиган» ёш бўлса-чи? Ёки насл бериш арафасида турган сигир ҳам сўйиб юборилаверадими? Бу увол-ку?! Ундан ташқари, халқимизда шундай одат борки, бирор луқмани, эгаси сидқидилдан рози бўлмаса, оч қолганда ҳам, емайди. «Ахир айбдорга чора кўриш керак-ку?», дейишингиз мумкин. Тўғри. Эндиликда қандай чора кўриш қарорнинг 4-бандида аниқ кўрсатилган, яъни моллар унинг эгасига нисбатан қонунчиликда белгиланган тартибда маъмурий чоралар кўрилганидан ва келтирилган зарар тўлиқ қопланганидан кейингина эгасига қайтарилади.

Нонинг ушоғи ҳам нон. Уни эъзозлаган, аввало, ўзини эъзозлайди. Шу азиз Ватан — барчамизники. Шундай экан, она юртимиз бағридаги ҳар бир неъмат халқимиз фаровонлигига хизмат қилиши керак. Буни ҳар биримиз ёдда тутайлик.

Ш. ЖАББОРОВ.

Хабарлар оқимидан

Мазасини татиб, баҳосини беринг

Кеча пойтахтимиздаги "Наврўз" савдо-ишлаб чиқариш мажмуасида ошпазлар, қандолатчилар ва официантларнинг республика кўрик-танлови иш бошлади.

Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 30 сентябрдаги Фармойишига кўра ўтказилаётган ушбу ўзига хос мусобақада Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридан 168 кишидан иборат 14 та команда иштирок этмоқда.

Тадбир ташкилотчиларининг маълум қилишича, кўрик-танловни ўтказишдан кўзда тутилган асосий мақсад миллий анъаналаримизни янада сайқал топтириш, умумий овқатланиш корхоналари ходимларининг касб маҳоратини ошириш, хизмат кўрсатиш маданиятини жаҳон андозалари даражасига етказишдан иборатдир.

12 мартга қадар давом этадиган ушбу кўрик-танлов ғолибларига ташкилий қўмитанинг махсус совринлари, сертификат ва дипломлари топширилади ҳамда улар мазкур йўналишда бўлажак халқаро танловларда мамлакатимиз шарафини ҳимоя қиладилар.

Саидолим ҲАЙДАРОВ, "Халқ сўзи" мухбири.

Аэропортда тиббиёт маскани

Самарқанд халқаро аэропортида замонавий таъмирланган ва барча зарур тиббий жиҳозлар билан таъминланган «Соғлиқни сақлаш» бўлими фойдаланишга топширилди.

Ушбу тиббиёт маскани аэропорт хизматчилари, уларнинг оила аъзолари, фахрийлар ҳамда йўловчиларга хизмат қилади. Шифохона саккиз хонадан иборат бўлиб, у ерда тиббий кўрикдан ўтказиш, беморларни қабул қилиш, муолажа, функционал ташхис ва физиотерапия ёрдами кўрсатиш учун барча шароитлар мавжуд.

А. САТТОРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Ўзбекистон Бадиий академиясининг Марказий кўргазмалар залида хотин-қизлар байрамига бағишланган "Аёл. Маъбуда. Илҳом париси" номли кўргазма очилди. Унда тасвирий санъатнинг рангтасвир, графика, ҳайкалтарошлик, кулолчилик каби турлари бўйича 150 та асар намойиш этилмоқда.

БАЙРАМ КЎРГАЗМАСИ

Кўргазманинг биринчи бўлимидан Шамсирўй Ҳасанова, Зарифа Саидносирова, Елена Коровай сингари Ўзбекистоннинг биринчи мусаввир аёлларининг асарлари ўрин олган. Бу суратлар улкан тарихий мерос сифатида фақат музейлар ва шахсий коллекцияларда сақланмоқда.

Иккинчи бўлим замондошларимизга бағишланган бўлиб, унда Лайло Салимжонова, Римма Гаглоева, Флорида Гамбарова ҳамда ёш рассомларнинг ишлари намойиш этилган.

Кўргазманинг учинчи бўлими "Эркаклар аёллар ҳақида" деб аталган. Бу барча аёллар — оналар, қизлар ва рафиқаларга бағишланган ўзига хос мадҳиядир.

Н.ҒУЛОМОВА (ЎзА).

Жаҳон полвонлари Тошкентда беллашадилар

12-13 март кунлари пойтахтимиздаги "Ўзбекистон" спорт мажмуасида илк бор эркин кураш бўйича жаҳон кубоги мусобақалари бўлиб ўтади.

Халқаро ҳаваскор курашчилар федерацияси (ФИЛА) томонидан мазкур мусобақанинг мамлакатимизда ташкиллаштирилаётгани бежиз эмас. Юртимизда кейинги йилларда спортнинг эркин кураш тури жадал ривожланмоқда. Ўзбекистонлик полвонлардан Рамиль Исломов ва Таймураз Урусов 1993 йилда ёшлар ўртасидаги жаҳон чемпионатида олтин медалларни қўлга киритишган. Ўша йили Торонто шаҳрида ўтказилган катталар ўртасидаги жаҳон чемпионатида эса Рамиль Атауллин бронза медали совриндори бўлди. Шунингдек, Руслан Хинчагов, Рамиль Исломов, Дамир Захартдинов, Адҳам Очилов, Магамед Ибрагимов, Артур Таймазов кейинги йили жаҳон чемпионатида кумуш ва бронза медаллари соҳибига айланишди.

2003 йилги жаҳон чемпионати юртимиз спортчилари учун янада омадли келди. Артур Таймазов ва Дилшод Мансуров ўз вазн тоифаларида жаҳон чемпиони деган шарафли номга сазовор бўлдилар. Сидней Олимпиадаси кумуш медали совриндори Артур Таймазов Афина Олимпиадасида олтин медални қўлга киритди.

Илк бор Тошкентда ўтказилаётган жаҳон кубогида эркин кураш энг ривожланган Куба, АҚШ, Россия, Украина, Эрон ва Ўзбекистон полвонлари ғолиблик учун гиламга чиқадилар. Жаҳон кубоги беллашувларида Адҳам Очилов, Дилшод Мансуров, Дамир Захартдинов, Сослан Тигиев, Заурбек Сохиев, Руслан Хинчагов, Артур Таймазов, Мансур Мирзаев ва Магомед Гаджилавовлар мамлакатимиз шарафини ҳимоя қилишлари кутилаяпти.

Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ, "Халқ сўзи" мухбири.

Шу замоннинг ёшлари

Ёшликнинг олов чоғларида дунёни билмоққа интилиш — улуғ фазилат. Бу хислат ёшларнинг жамиятда фаоллиги билан уйғунлашса, янаям яхши. Негаки, бугунги интилишларимиз самараси ўлароқ, эртамиз янада ёрқинроқ бўлади.

Атрофимизга жиддий назар солайлик: жамиятимиз ривожланиш жараёнида. Оғир дамлар ортда қолди. Тараққиёт тобора илгариламоқда. Иқтисодий-сиёсий, маънавий тушунчалар ҳам ўсиб-шаклланиб бораяпти. Демак, изланиш, дунёқарашимизни чархлаш ўз ўрнимизни топиб олишимиз борасидаги тўғри йўл.

Ўзимизга савол берамиз: "Интилишимиз моҳияти нимада?" Жавоб тайин: "Буюк келажак бунёд этишда!" "Уни кимлар яратади?" — "Бугунги ёшлар..."

Хўш, ёшларимиз юртимизда содир бўлаётган воқеа-ҳодисаларга қандай муносабат билдиришяпти? Мамлакат ҳаёти учун ўта муҳим фармонлар, қарорлардан тўлиқ хабардорларми? Умуман, ёшларнинг сиёсатга қизиқишлари қай даражада? Ушбу саволларга жавоб топиш мақсадида дастлаб талабалар фикрларини тинглашга тўғри келди.

Долзарб мавзу

Бобир ФАЙЗИЕВ, Тошкент автомобиль йўллари институти талабаси:

— Кўпчилик тенгдошларим каби атрофдаги воқеа-ҳодисаларга холис муносабат билдиришга ҳаракат қиламан. Чунки мен камол топаётган юртнинг эртанги куни, тинчлиги, ривожланиши, қайсидир маънода, менинг жамиятдаги ўрнимга боғлиқ. Буни яхши англайман. Ўзим мисолимда айтадиган бўлсам, имкон қадар матбуотни кузатиб бораман. Президент фармонлари, қарорлари билан танишиб, фикр доирамни бойитаман.

Фаррух АБДУРАИМОВ, Ўзбекистон Миллий университети талабаси:

— Менимча, ҳар бир йигит-қиз қайсидир маънода сиёсатга, ижтимоий ҳаётга қизиқади. Кўпинча, талаба-ёшлар давраларида бўлиб қолсангиз, уларнинг ўзаро баҳсларига гувоҳ бўласиз. Нафақат юртимизда, балки хорижда рўй бераётган воқеаларни шундай изоҳлашадики, беихтиёр қойил-е, деб юборасан. Лекин шундай ёшлар ҳам борки, сиёсатга оид мунозараларда иштирок этиш у ёқда турсин, атрофида рўй бераётган воқеа-ҳодисалар ҳақида фикр билдиролмайди.

Албатта, бугунги ёшлар атрофда, тенгдошлари ҳаётида содир бўлаётган ўзгаришларга бефарқ эмас. Ўз мустақил фикрини баён қилиш, ўзаро мунозараларда баҳслашиш ёхуд сиёсатга қизиқиш, албатта, ҳар кимнинг ўз иши. Лекин фуқароларнинг ўзларига тегишли қарорларни билмаслиги, бу ҳақда фикр билдирмаслиги ачинарлидир. Биз билан мулоқотда бўлган кўпчилик талаба-ёшлар сиёсатга қизиқишларини, лекин сиёсий билимларидан қониқмасликларига сиёсий асарларнинг аксарияти илмий-академик тилда ёзилганини сабаб қилиб кўрсатишади. Уларнинг савияси ҳақида танқидий фикр айтиш ниятидан йироқмиз. Бироқ институт ёки университет аудиториясида замонавий билим ва янгиликлардан ҳар куни хабардор бўлаётган йигит-қизларнинг мулоҳазаси бизни ўйга толдиради.

Хўш, бугун ёшларнинг мукаммал сиёсий билимга эга бўлишлари учун нима қилмоқ керак?

— Педагогик тажрибамдан келиб чиқиб айтадиган бўлсам, бугунги ёшлар дунёқарашини шакллантириш, сиёсий билимларини ошириш, аввало, уларга илм сирларини ўргатаётган устозларга боғлиқ, — дейди ҳуқуқшунос олима Омина Каримова. — Бугун кўпчиликка бир ҳақиқат аён. Замон билан ҳамнафас қадам ташлаётган, тез ўзгараётган дунё талабларига жавоб беришга интилаётган мамлакатнинг келажаги ҳар томонлама зукко ёшлар билан ёруғ бўлиши мумкин. Энди, тасаввур қилинг, ёшларнинг мукаммал билимга эга бўлишлари учун астойдил ҳаракат қилмасак, ўз ишимизни хўжакўрсинга адо этсак, бундан кимга қандай наф? Йигит-қизларни сиёсатга қизиқтириш, кўпчилик ўйлагандек, қийин эмас. Эркин баҳс, мунозара, талабани фанга қизиқтириш, хуллас, ёшлар билан ишлаш масалаларига алоҳида эътибор кифоя. Бунинг учун ҳамма шароит бор.

(Давоми 4-бетда).

Соғлом халқ — Буюк ишларга қодир

«Сиҳат-саломатлик йили» давлат дастури — амалда

Мамлакатимизда халқ саломатлигини яхшилаш ишига — энг устувор ижтимоий масала сифатида доимо катта эътибор қаратиб келинмоқда. Бу бежиз эмас, албатта. Чунки соғлом одамгина ҳаётда ўзини бахтли ҳис қилади. Фақат соғлом халқ, соғлом миллат буюк ишларга қодир бўлади.

Мустақиллигимизнинг ўтган йилларида бу соҳадаги ишларни тубдан ўзгартириш мақсадида давлатимиз томонидан беҳад улкан чора-тадбирлар кўрилди. Шахсан Президентимизнинг ташаббуси билан халққа тиббий хизмат кўрсатишни энг илғор халқаро андозалар даражасида ташкил этишга қаратилган йирик давлат дастури қабул қилинди. Тиббиёт хизмати соҳасидаги ислоҳотлар давом этмоқда ва йил сайин янгидан-янги самаралар бермоқда. Бундан ташқари, мамлакатимизда жорий этилган «Соғлом авлод йили», «Оналар ва болалар йили», «Қарияларни қадрлаш йили», «Меҳр ва мурувват йили» каби йилларда бу йўналишда кўпдан-кўп амалий ишлар қилинди.

Ниҳоят, Юртбошимиз таклифи билан жорий йилимиз «Сиҳат-саломатлик йили» деб ном олди. Худди шу йўналишда яна бир мақсадли давлат дастури ишлаб чиқилди ва амалиётга жорий этилмоқда. Шуни айтиш керакки, Дастурда белгиланган катта қўламдаги тадбирлар ижроси учун беҳад улкан ҳажмда, яъни 205 миллиард 213 миллион сўмдан кўпроқ маблағ ажратилиши кўзда тутилган. Бу маблағнинг катта қисми — давлат бюджетидан. Қолган қисми — бюджетдан ташқари маблағлар, ҳомийлик маблағлари, «Сиҳат-саломатлик йили» дастурини рўёбга чиқаришда ҳамкорлик кўрсатишга қарор қилган халқаро ташкилотларнинг маблағлари ва грантларидан ташкил топади.

«Сиҳат-саломатлик йили» мақсадли давлат дастурида, чиндан ҳам, жуда катта миқёсдаги вазифалар қамраб олинган. Ҳужжатда бу вазифалар ўз йўналишларига кўра, 8 та бўлимга ажратилган ва уларнинг ҳар бири учун масъулият аниқ вазирликлар, ташкилотлар, муассасалар, ҳокимликлар, жамғармалар зиммасига юклатилган.

Дастурнинг биринчи бўлимида аҳолида соғлом турмуш тарзига доир ҳаётий фалсафани шакллантириш вазифаси қўйилган. Бу жуда муҳим масала. Негаки, мамлакатда тиббий хизмат асослари қанчалик ривож топмасин, агар одамларнинг ўзида ўз соғлигини сақлашга тўғри ва масъулиятли ёндошув бўлмаса, кутилган натижаларга эришиш қийин. Демак, аҳолида тиббий маданиятни ривожлантириш — долзарб вазифа. Дастурнинг биринчи бўлимида шу вазифа ижросига тааллуқли кўпгина аниқ сазовор чора-тадбирлар белгиланган ва улар йил давомида амалга жорий этилади. Масалан, мактаблар, лицейлар ва коллежларда бундан кейин «Шахсий гигиена ва санитария қоидалари», «Саломатлик алифбоси», «Саломатлик дарслари» мунтазам жорий этилади. Республикада тиббий маданиятни тарғиб этиш воситаларидан кенг фойдаланилади.

Маълумки, юртимизда аёллар ва болаларнинг саломатлигини муҳофаза қилишга қаратилган мақсадли дастур ҳам амалга ошириб келинмоқда. «Сиҳат-саломатлик йили»да бу борадаги ишлар янада

Бугуннинг гапи

чуқурлаштирилади. Дастурнинг иккинчи бўлими шу масалага доир йирик тадбирлар мажмуасини ўз ичига олади.

Дастурнинг жамиятимиздаги кекса авлод соғлигини янада мустаҳкамлашга доир вазифаларни қамраб олган учинчи бўлимида ҳам кўпгина хайрли тадбирлар кўзга ташланади. Масалан, «Сиҳат-саломатлик йили»да Тошкентдаги «Нуроний» шифохонаси негизида республика Герантология маркази ташкил этилади. Пенсионерлар, уруш ва меҳнат фахрийлари учун оромгоҳларга бепул йўлланмалар ажратилади. Ижтимоий муҳофаза муассасалари бўлган «Саҳоват», «Мурувват» уйларининг моддий-техник базасини такомиллаштириш ишлари давом эттирилади...

«Сиҳат-саломатлик йили» Давлат дастурининг қолган бўлимларида ҳам бир-биридан муҳим, салмоқли тадбирлар белгиланган. Масалан, унинг «Ижтимоий хавфли касалликларнинг олдини олиш» деб аталган 4-бўлимида сил, безгак, ВИЧ/ОИТС каби хавфли касалликларни даволайдиган муассасаларнинг моддий-техник негизини такомиллаштириш, бу соҳаларни мутахассис кадрлар билан мустаҳкамлаш, дори-дармон таъминотини йўлга қўйиш вазифаларига эътибор қаратилган.

Жорий йилда бевосита соғлиқни сақлаш тизимининг ўзини янада ривожлантириш бўйича кўпгина ишлар қилинади. Республика тез тиббий ёрдам марказининг жойлардаги 12 та филиалини энг замонавий тиббиёт ускуналари билан жиҳозлаш давом эттирилади. Айрим олий ўқув юртларида хориждан келтирилган тиббиёт ускуналарида ишлай оладиган ҳамда уларни таъмирлаш билан шуғулланадиган мутахассис кадрлар етиштириш йўлга қўйилади. Жойлардаги тез тиббий хизмат станциялари ва кичик станциялар учун қўшимча равишда яна 209 та санитария автотранспортлари ажратилади. Мамлакатда мавжуд қишлоқ врачлик пунктлари қаторига 210 та янгилари қўшилади ва ҳоказолар... Бешинчи бўлимда ана шундай тадбирлар кўзга ташланади.

Халқ саломатлигини яхшилашда аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш ва атроф-муҳит тозалиги ғоятда муҳим омиллардирки, бу алоҳида изоҳни талаб қилмайди. Дастурнинг олтинчи бўлимида ана шу йўналишда кўпгина муҳим амалий тадбирлар кўзда тутилган. Уларнинг амалга оширилиши мамлакатда тоза ичимлик суви таъминотини барқарорлаштириш ва атроф-муҳит тозалигини яхшилашда ўз самараларини бериши шаксшубҳасиздир.

Дастурнинг еттинчи бўлимида аҳолининг кенг қатламлари ўртасида жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланишни фаоллаштириш мақсадларга қаратилган тадбирлар белгиланган. Бу борада шу пайтгача ҳам мамлакатда катта ишлар қилинганлигини айтиб ўтишимиз керак. Спортни оммалаштириш «Сиҳат-саломатлик йили»да эса, янада барқ уриб ривож топади.

Дастурнинг саккизинчи бўлимидан аҳоли саломатлигини муҳофаза қилишнинг ташкилий-ҳуқуқий базасини такомиллаштиришга доир тадбирлар мажмуи ўрин олган. Жумладан, ушбу бўлимда кўрсатиб ўтилганидек, «Фуқаролар соғлиғини муҳофаза қилиш тўғрисида»ги ҳамда «Дори-дармонлар ва фармацевтик фаолият тўғрисида»ги қонунларга зарур ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритилади, «Тиббий фаолият тўғрисида»ги янги қонун лойиҳаси тайёрланиб, тартибга киритилади. Ўзбекистонда йод етишмаслик касалликларининг олдини олиш дастурини ишлаб чиқиш ва уни Вазирлар Маҳкамасига киритиш масалалари билан шуғулланилади. Мазкур бўлимда тиббиёт ходимлари, соҳа олимлари ва мутахассисларининг меҳнатини моддий рағбатлантириш бўйича меъёрий ҳужжатларни қабул қилиш вазифалари ҳам қўйилган.

Хуллас, 2005 йилнинг Сиҳат-саломатлик йили деб эълон қилинганлиги, ҳеч сўзсиз, жамиятимиз ўз тараққиёт йўлида янги поғонага кўтарилишида, унинг моддий ва маънавий ҳаётида муҳим босқич бўлади.

Михли САФАРОВ.

ЭЛЕКТР ЧИРОҒИ ЎЧМАСИН ДЕСАНГИЗ...

Қумқўрғон туман электр тармоғи бошлиғи Мамарасул Холмўминовнинг ҳузурига элнинг катта оқсоқолларидан бири — Эргаш бобо келди.

— Кичик корхонамнинг иморатига электр ҳисоблагич ўрнаттирдим. Электр энергиясидан қарзларимни уздим. Олдиндан фалон сўм тўладим. Мана, паттаси, — деди. У яна республика Вазирлар Маҳкамасининг «Электр энергиясидан фойдаланиш учун ҳисоб-китоб қилиш механизмини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори аҳамияти катта ҳужжат эканини, у ҳисоб-китобидан адашганларнинг, электр энергиясини атайин ғайриқонуний ишлатаётганларнинг кўзини очишини айтди.

Истеъмолчи маданияти

— Энди, Мамарасул болам, ўзларинг ҳам маҳкамроқ ишланглар, — деди бобо.

Шундан сўнг хонага маданият бўлими бошлиғи кирди.

— Бизни ўчириб ташлабсиз. Ёқиб қўйинг. Бюджетдан бизга ойнинг охирида пул ўтказилади. Тўлаймиз, — деди.

Ўша куни бошлиқнинг иши кўп бўлди. Маҳаллий газета ходимлари яқинда эълон қилинган мақола хусусида баҳслашдилар. Оққапчиғай қишлоғидан келган Алланазар бобо Аллаёров эса:

— Абдиалим деган монтёр электр ҳисоблагичимни олиб кетувди. Уч йил бўлаяптики, ҳали созлаб бергани йўқ. Қари ҳолимга сарсон бўлаяпман. Электр дегани ҳаммага энг зарур нарса. Бир соат ўчиб қолса, кўнглимиз қоронғи бўлиб қолар экан. Жон болам, ёрдамлашинг, — деди.

Туман Марказий шифохонаси маъмуриятининг электр тармоғига йўллаган хати антиқа. Хатда, соғлиқни сақлаш тизимидаги электр ҳисоблагичлари йўқ нуқталарда электр энергиясини узиб қўйиш сўралибди. Аввалари, қаранг, электр энергияни ёқиб бериш сўраларди. Сўралади эмас, дўхтирхонадаям свет ўчириладими, деганга ўхшаш важлар билан талаб қилинарди. Энди бўлса, «Биздан камчилик ўтган бўлса, марҳамат, қулоғимизни бураб қўйишингиз мумкин», дейиляпти, ўзини ва бошқаларни тўғри тушуниш яхши-да.

Чиндан ҳам соғлиқни сақлаш нуқталарида бу масалага қолганда эътибор сусайтириб юборилган экан. Масалан, 61 та нуқтадан 47 тасида электр ҳисоблагич йўқ. Ҳатто, хашамдор ҚВПларда ҳам шу нарса ўрнатилмаган. Электр энергиядан қарздорликнинг бўлса айтгулиги йўқ. Шифохонани-ку бюджетники деймиз. Лекин даромадларини миллион, миллиард сўмга чиқарса ҳамки, энергиянинг ҳақини тўлаб қўйинг дейилса, ўзини панага олувчи хўжалик ва корхона раҳбарлари йўқ эмас. Улар ҳозир ҳам «Қарзни тўлаймиз. Тўлай олмасак энергияни ўчириб қўйинг», дегандай дангал гапни айтмаяптилар. Ваҳоланки, деҳқончиликда ҳадемай экинли далани суғориш мавсуми бошланади. Электр энергия берилмаса, тумандаги 142 та сув чиқариш насослари тўхтаб тураверади.

— Ўша насосларнинг эгаларини биздан бир миллиард сўмдан зиёд муддати эскирган қарзлари турибди, — дейди Мамарасул Холмўминов. — Ҳисобли дўст айрилмас, деган мақолга уларнинг ҳам амал қилиш вақтлари келди энди.

Холмўминов яна электр энергиянинг қадрию унга муносабат ҳақида гапириб қолди.

— Туманда энергиядан фойдаланувчи 18050 та абонент (хонадон) бор. Тўрт мингдан зиёд хонадон ҳалигача ҳисоблагич ўрнатишни ўйлаб кўрмаган. Энергиядан палапартиш фойдаланаётганлар кўп. Айтайлик, 100 ваттлик битта лампочка 10 соатда бир киловатт-соат энергияни сарф қилади. Пулга чақса бу 27 сўм ўн тийин дегани. Уйни қизитишга мўлжалланган мослама энергиянинг кушандаси. Бир спирал 4 соатда 8 киловатт-соат энергияни ютади. Биз ўчирилгандан сўнг электр энергиянинг қадрини англаймиз. Ёниб турган пайтда эса ҳатто, уни кундузиям, керак бўлмаган пайтда ҳам ўчириб қўйишни ўйламаймиз. Ундан тежаб-тергаб фойдаланиш ҳам ўзингга, ҳам бошқаларга фойда-ку. Электр энергияси ахир не бир ташвиш, харажату машаққатлар эвазига ҳосил қилиняпти-ку. Бундан буён биз ҳисоб-китобларимизни йўлга қўймоқ учун талабчанлик билан бирга ташвиқотни ҳам кучайтирамиз. Маҳалла фаоллари билан, ҳар бир истеъмолчи билан ҳамкорлик ўрнатамиз, — дейди Холмўминов.

Олимжон УСАНОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

«Тўрт карра йўқ» телемарафонини кўриб

Эзгуликка эш бўл, замондош

«Сиҳат-саломатлик йили» дастури доирасида Ўзбекистон телерадиокомпанияси ва Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси томонидан "Тўрт карра йўқ" дастури ишлаб чиқилган эди. Соғлом турмуш тарзини тарғиб қилувчи ва ижтимоий хавфли офатлар — гиёҳвандлик, ОИТС, ичкиликбозлик ва кашандаликка қарши курашишга қаратилган ушбу дастур доирасида Тошкент телеканали томонидан "Тўрт карра йўқ" телемарафони эълон қилинди.

.... Бир томчи заҳри қотил — у умрнинг интиҳоси, авлодлар инқирози, оилалар фожеаси, ногирон фарзандлар, тубсиз жарлик томон қўйилган қадам.

Ўтган йили биргина Тошкент шаҳрида 144 нафар бола туғуруҳоналар, меҳрибонлик уйларига ташлаб кетилган. 35 нафар гўдак эса кўчадан топилган.

— Иккита дадам бор, — дейди "Кўча болалари" лавҳаси қаҳрамонларидан бири Меҳрибонлик уйидан паноҳ топган жажжигина Умиджон. — Онам сен менга керак эмассан, дедилар. Мен шу ерда қоламан. Болакайнинг аламу изтироб билан айтган гапи ўнлаб, юзлаб қалбларни ларзага солган бўлса ажаб эмас.

— Иллатнинг биттаси ҳам кўп, — дейди «Тошкент» телеканали раҳбари Неъмат Саидхонов. — Негаки, ана шу иллат жамиятнинг илдизини заҳарлайди. Илдизи заҳарланган жамиятнинг эса эртаси мавҳум. Бизнинг мақсадимиз, ана шу иллатни жамиятимиздан қисиб чиқариш. Бу курашга жамоатчиликни жалб қилиш, уларни огоҳликка даъват этишдир. Одамларда, айниқса, ёшларимизда зиё ёки зулмат, гўзаллик ёхуд қабоҳатни теран англашга, ўз ҳаёт йўлини ўзи танлашга имконият яратади, фикр уйғотади. Агар ушбу ҳаракатлар қабоҳат кўчасига кириб қолган ўнта, юзта ёшни тўғри йўлга солишга хизмат қилса, уларни фикрлашга, ўз хато ва камчиликлари ҳақида мулоҳаза юритишга ундаса, яшашга умид уйғотса, табиийки, "Тўрт карра йўқ" телемарафони ижодкорлари ўз мақсадларига эришган бўладилар.

Мавжуда ХОЛМАТОВА,
"Халқ сўзи" мухбири.

Ҳар тонг уйқудан уйғониб, Яратгандан пок ният билан тинчлик-омонлик сўраймиз. Зотан, аҳиллик, осойишталик, тинчлик бор жойда ютуқ бўлади. Албатта, маҳалла-қўйларимиздаги баҳамжиҳатлик, иноқлик, соғлом турмуш тарзининг йўлга қўйилишида профилактика нозирларининг ҳам ўрни бор.

ОСУДА ТУРМУШ ҚАДРИ

Дилшод Марзамамедов — пойтахтимиздаги «Эски шаҳар» маҳалласининг профилактика нозири. Салкам 5600 аҳоли яшайдиган ушбу маҳалла «Чорсу» бозорининг ёнгинасида жойлашган. Демак атроф серқатнов. Шунга қарамай, нозирнинг маҳалла фаоллари, посбонлар билан тушунтириш олиб бораётгани ўз самарасини бермоқда. Дилшод ҳудуддаги 1-ўрта мактабда кураш, бокс каби тўгараклар ташкил этилишида ҳам ташаббус кўрсатди. Эндиликда қарабсизки, маҳалла йигит-қизлари республика миқёсидаги мусобақаларда иштирок этмоқда. Энг муҳими, болалар бўш вақтларини мазмунли ўтказаяпти, соғлом ўсаяпти.

Яқинда якунланган «Намунали милиция таянч пункти» кўрик-танловида Собир Раҳимов туманидаги 190-милиция таянч пункти профилактика нозири Д. Марзамамедов қатор хизматлари, маҳалла аҳлининг ўз уйини ўзи асрашга чорлай билгани боис ғолиб, деб топилди. У «Дамас» автомашинаси билан тақдирланди.

— Бу менга янада катта масъулият юклайди, — дейди милиция капитани Д. Марзамамедов.

Х. ЭШМАНОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

СУРАТДА: милиция капитани Дилшод Марзамамедов; маҳалла ҳаётидан лавҳа.
Рашид ГАЛИЕВ олган суратлар.

Тарбиясиз тарбиячи

Қиш авжида саксон уч нафар ўқувчи бир соат давомида мактаб ҳовлисига тик турғазиб қўйилди. Ер муз эди. Осмондан эса бетиним қор ёғарди.

Абдурасул ака, бу болалар ҳақида, бу манзара тўғрисида бироз кейинроқ гаплашсак. Сиз билан, аввало, қалб ҳақида, инсоннинг меҳри ҳақида, аниқроғи, ўқитувчининг ўз ўқувчиларига бўлган қалб ҳарорати тўғрисида гурунг қилсак, дейман.

Ўқитувчи деганлари юрса ҳам, турса ҳам, ҳатто тушларида ҳам мактабни кўради, ўқувчиларини кўради. Овқат еяётганда ҳам эртанги дарснинг мавзуси хаёлида қалдирғочдек чарх уради. У ўзлаштиришда қийналаётган ўқувчисини илғорларга қандай қилиб етказиб олиш тўғрисида қайғуради.

Ҳақиқий ўқитувчи, асл ўқитувчи ана шундай яшайди. У ўзгаларнинг боласини ўзиникидай кўради. Уларнинг ҳар бир ютуғидан қувониб яшайди. Мактабни битириб кетган собиқ ўқувчиларнинг муваффақиятини эшитиб энтикиб кетади. Кечагина тупроқ чангитиб, капалак қувлаб юрган болакаю қизалоқлар мактаб остонасидан ҳатлаб ўтгач «Алифбе» китобини қучоқлаб ухлайди. Улар кўп ўтмай тенглама, квадрат, илдиз, геометрик чизиқлар тўғрисида бийрон-бийрон жавоб берадиган бўлишади. Буларнинг барига ўқитувчининг меҳри сабаб бўлади. Агар ўқитувчининг меҳри бўлмаса, унинг қалб қуёши нур таратмаса йилларнинг қўлидан бирор иш келармиди...

Абдурасул ака, бундай ҳурматга, бундай эъзозга, бундай мўътабарлигу мукаррамликка яна қай бир касб эгаси сазовор бўлган?

Ховос тумани, Бобур номли хўжаликда жойлашган ва сиз раҳбарлик қилаётган 7-ўрта мактабга борганимизда бу ердаги маънавий муҳит ҳамда шарт-шароитларни кўриб, очиғи, ҳайрон бўлиб қолдик. Ўқитувчиларнинг ҳасратидан чанг чиқарди. Уларнинг бири қўйиб, бошқаси мукофот пулларининг ярми берилиб, ярми берилмай қолганлиги, отаоналардан мактаб таъмири учун йиғилган юз минг сўмлаб пуллар қумга сингган сувдек бедарак кетганлиги тўғрисида алам билан гапиришарди. Синф хоналарининг поллари, деворлари ўқув йили ярим бўлмасдан таъмир талаб бўлиб ётганлиги, мажлислар залининг деворлари нураб бораётганлиги ўқитувчилар арзи-доди бежиз эмаслигини кўрсатиб турарди.

Таҳририятга шикоят хатини мусиқа ўқитувчиси Раъно Жалилова йўллаган. Мактубга бир киши имзо қўйгани билан ўнлаб ўқитувчилар Абдурасул Бийболаев, яъни сизнинг фаолиятингиз борасида фақат танқидий гапларни айтишди. Ўттиз тўрт йиллик меҳнат фаолиятига эга Раъно Жалилованинг дардларига бир эътибор беринг: «Мактабдаги ғиди-бидилар туфайли бошим қаттиқ оғриб, тўрт ой ётиб қолдим. Одамлар шунчаки танишбилишлари хаста бўлиб қолишса ҳам кўнгил сўрагани боришади. Директоримиз Абдурасул Бийболаев тўрт ой давомида на касалхонага, на уйимга қадам босди. Даволаниб чиққач, шифокор Абдураҳмон Ботиров билан бирга мактабга келдик. Ер ёрилмадию мен уятдан ерга кириб кетмадим. Бийболаев кўнгил учун ҳам бир оғиз ҳол-аҳвол сўрамади. Ҳурматни тилаб олиб бўлмайди. Ноилож севган касбимни давом эттирдим. Ўз ёнимдан пул сарфлаб тузаттириб келган чолғу асбобларим йўқолиб қолди. Тишимни тишимга қўйдим. Болалар дарсдан кейин бекор юришмасин, деган мақсадда ташландиқ, бир хонани таъмирлаб, стол тенниси тўгарагини очдим. Бийболаевнинг аччиғи келиб стол теннисини ташқарига чиқариб ташлади. Эндиликда на чолғу асбобларим бор, на стол теннисим. Турли кўрик-танловларда ғолиб чиқиб магнитафонлар олгандик. Уларни ҳам тортиб олди. Туриб-туриб ҳайрон бўламан. Мактаб деганлари таълим-тарбия ўчоғими ёки обрў талашадиган, нафсониятини натуя қилишларини бир четга қўйиб турайлик. Унинг энг ёмон қилиғи шахсий фикри ва нуқтаи назари бўлган одамларни таъқиб қилишидир. Ҳар йиғилишда писанда ва қочирқлар билан кишининг жонидан ўтказиб юборади. Ҳақорат унинг иш усулига айланиб қолган. Оғзи бузуқлиги туфайли жамоадаги ўқитувчилар билан туман судида судлашишга ҳам бориб етди. Суд мажлисида у ёзма равишда хатосини тан олиб, дўқ-пўписаларни, ҳақоратларни бир четга йиғиштириб қўйишга ваъда берганди. Бир ҳафта ўтмасдан ваъдасини унутди. Туман ва вилоятда зўр танишлари борлигини айтиб чиранглари чиранган. Мактабда таълим-тарбия ишлари оқсаб қолганлигининг энг асосий сабабларидан бири, эҳтимол, ана шу чиранишлар оқибатидир...

Яхшидир аччиқ ҳақиқат

Абдурасул ака! Ёдингизда бўлса ўтган йилнинг кузида сиз билан Гулистон шаҳрида учрашган эдик. Бу учрашув ва бўлиб ўтган мулоқотга ҳам мактабингиз ўқитувчилари ёзган шикоят хати асос бўлганди. Сиз ва туман халқ таълими бўлимининг мудири Ҳазратқул Тўрақулов мактабдаги нохуш ҳолатларни тугатишга, маънавий муҳитни соғломлаштиришга чин дилдан ваъда берган эдиларингиз. Афсуски, ваъдалар ёлғон бўлиб чиқди. Бу орада мактаб фаолиятига туман прокуратураси, туман суди ва туман ҳокимлиги вакиллари аралашиб кўришди. Уларнинг ҳам қўйни пуч ёнғоққа тўлғазилди. Мактаб директори сифатида иш бошлаганингизга атиги бир йил бўлар-бўлмасдан юқори ташкилотларга ўнлаб ариза ва шикоятлар йўлланганлигини қандай изоҳлаш мумкин?

Мактабда бўлганимизда кўплаб ўқитувчилар аввал сизнинг вазифангизда ишлаган Мамадали Нурматов, Бегимқул Қудратов сингари инсонларни тилларидан бол томиб ёдга олишди. Улар гапиришяптию кўзларидан, сўзларидан ёғилаётган ширин хотираларни тинглаб ич-ичимдан хурсанд бўламан, денг. Қаранг, эзгу ишлар, одамларга нисбатан бўлган муҳаббат орадан қанча йиллар ўтса ҳам кишилар ёдидан ўчмас экан.

Биз қалб ҳақида гаплашдик. Ана шу қалбдаги қуёш ҳақида сўзлашдик. Булар шунчаки ҳавойи гаплар, жимжимадор сўзлар эмас, уларни идрок этмоқ, уларни англамоқ зарур. Уларсиз яшаб бўлармикин?

Мактаб ҳовлисида бир соат турғазиб қўйилган болаларга қайтайлик. Сиз билан ана шу болалар тўғрисида фикрлашиб кўрайлик. Саксон уч нафар кичкинтойлар орасида сизнинг фарзандингиз йўқ эди. Февраль эди. Қишнинг авжи эди. Ана шу болаларнинг баъзилари кийган ботинка ва туфлиларининг тагчарми юпқа эди. Баъзиларининг эгни юпунроқ эди. Ер муз эди. Қор деганлари бетиним ёғар эди. Сиз эса ташқарида турган ўқувчиларни мактабнинг биринчи қавати деразасидан бамайлихотир кузатиб турардингиз.

Домлажон, бу болакайлар машғулотлар соат саккиздан бошланганлиги туфайли беш-ўн минут дарсга кечикиб келишган эди. Ҳолбуки машғулотларни қиш фаслини ҳисобга олиб ярим соат, бир соат кечроқ бошлашнинг имконияти ҳам бор эди. Тадбирда меҳр ўрнини жазо эгалласлиги ҳақида гапирмайман. Бу мавзуни бошқа давом эттиришга деярли рағбатим йўқ.

Фақат... Фақат мактабнинг биринчи қавати деразаси ортидан совуқдан дилдираётган болаларга тикилиб турган одамнинг юрагида ўша пайтда, ўша лаҳзаларда қандай туйғулар, қандай ўйлар ўтганлигини билишни истардим. Наҳотки ана шу одамнинг юрагида ўша лаҳзаларда роҳат ва қониқиш ҳислари кезинган бўлса?

Алиқул ХОНИМҚУЛОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Марҳабо, дилрабо Наврўз!

БАЙРАМ ШУКУҲИ

йилга татийди

Баҳор нафаси кезаётган ушбу чароғон кунларда босган ҳар бир қадамимиз бизни қутлуғ байрамимиз — Наврўзга яқинлаштирмоқда. Юртимизнинг ҳар бир гўшасида ширин ташвиш — қутлуғ байрамни шодон ўтказиш. Театр жамоалари, фольклор этнографик ансамбллар, аскиячи-қизиқчилар, ҳофизу раққосалар, дорбозлар, қўғирчоқбозлар, масхарабозлар — етти ёшдан етмиш ёшгача бўлган, халқимизга завқ-шавқ улашиш ишқи билан ёнаётган санъаткорларнинг ҳамма-ҳаммаси ушбу хайрли ишга хизмат қилиш иштиёқида.

— Наврўз байрамини халқ сайли тарзида нишонланиши — дейди «Ўзбектеатр» ижодий ишлаб чиқариш бирлашмаси бошлиғи Омонилла Ризаев, — биз санъат аҳли учун янги имкониятлар эшигини очди. Чунки ушбу кунларда қанчалик халқ ичига кириб бориб, санъатимизни намойиш қила олсак, томошабинлар ҳурмат-эътиборини қозонган бўламиз. Зеро, биз театр ходимлари ўз ўрнимизни ана шу байрам тадбирларида деб биламиз. Улар пойтахтимизда ҳам, вилоятларда ҳам ўз дастурлари билан қатнашиб байрамни кўтаринки руҳда ўтказишга ўз ҳиссаларини қўшадилар. Байрамлар эса, янги асар премьераларига уланиб кетади. Миллий театрда, Муқимий номидаги, Аброр Ҳидоятов номидаги, Йўлдош Охунбобоев номидаги қатор театрларимизда томошабинлар Наврўз кунлари янги асарлардан баҳраманд бўлади. Ой охирларига бориб Миллий театримиз биносида республика Ёш режиссёрлар асарлари танлови бўлиб ўтади. Унда санъат йўлига илк қадамларини қўйган режиссёрларнинг ўз ижод намуналарини томошабинлар ҳукмига ҳавола қилинади. Тайёрлаб келган асарларини устоз санъаткорлар нигоҳидан ўтказади ва уларнинг оқ фотиҳаларини олишади. Кейинчалик, республика театрларининг "Андижон баҳори" фестивалини ўтказиш режалаштирилган. Абдулла Қаҳҳор номидаги Сатира театри жамоаси водийликлар хизматида бўлишса, Фарғона водийси театрларининг ижодкорлари пойтахтлик театр мухлисларини ўз ижод намуналари билан ошно қилишади. Мақсадимиз битта — ушбу кунларда бошланган шодиёналар йил мобайнида давом этсин.

С. МУҚИМОВ ёзиб олди.

Бордир Бу элда

Шу кунларда Жиззахнинг Қаҳрамон қишлоғидаги отчопарга йўлингиз тушса, отлар дупурию ишқибозлар қийқириғига гувоҳ бўласиз. Кунлар исиб, атроф яшил «гилам» билан қоплангандa чавандозлар беллашуви янада авжига чиқади. Табиат қўйнидаги аломат ўйинлар бу ерга Наврўз айёми яқинлашиб келаётганидан дарак бераётир.

Ҳа, ўтган мавсумлар тажрибаларидан келиб чиқиб, бу галги мусобақалар тартиби анча такомиллаштирилди. Бугунга келиб жамоалар сони 15 тага етган бўлса, Жиззах отчопарида оломон кўпкари беллашувларида қатнашаётган полвонларнинг саноғи йўқ. Негаки, бўлиб ўтган 6 турда Сирдарё, Самарқанд, Навоий, Тошкент вилоятларидан, қўшни Қозоғистондан юзлаб чавандозлар иштирок этишди.

Энди, кўплар учун янгилик бўлган мусобақалар тартиби ҳақида. Ҳар якшанба куни ўтказилаётган беллашувларни дастлаб спортчи улоқкўпкари жамоалари бошлаб беришади. Қуръа ташлаш йўли билан аниқланган рақиблар биринкетин куч синашдилар. Жамоа таркибини 6 нафардан ўйинчи ташкил этади. Спортчи чавандозлар улоқни рақиб дарвозасига, аниқроғи, махсус ўрнатилган идишга ташлаши лозим. Белгиланган вақтда қайси жамоа кўп улоқ ташласа ўша ғолиб. Ғолиб жамоага 3 очко, агар ўйин дуранг бўлса, жамоаларга бир очкодан берилади. Ҳозиргача барча учрашувларни ғалаба билан якунлаган Зомин тумани полвонлари 18 очко билан якка пешқадамлик қилишмоқда. Томошабинлар жамоа муваффақиятларида ўтган йилги оломон кўпкари мусобақалари бош соврини — «Матиз» автомашинасини қўлга киритган Фарҳод Тоғаевнинг алоҳида ўрнини таъкидлашмоқда.

Жамоалар учрашувлари тугагач, оломон кўпкари бошланади. Бунда хоҳлаган киши иштирок этиши мумкин. Очиқ чемпионат ғолиби эса полвонларнинг барча беллашувларда тўплаган очколари билан аниқланади. Ҳозирча шахсий биринчиликдаги ғолибликка ғаллаороллик Шертой полвон, Зомин туманидан Алишер полвон, зафарободлик Шаймахон полвон, бахмаллик Муродилла полвон, Жиззах туманидан Эшим полвон каби ўнлаб чавандозлар даъвогарлик қилмоқда.

Кўпкари мусобақалари ўзининг солимлари билан қизиқ. Полвонларини қўллаб-қувватлаб туриш удумларимиздан бири. Ҳар якшанбада ҳомийлар томонидан ғолиб жамоаларга юз минг сўмдан пул тикилиб, рағбатлантирувчи мукофотлар берилаяпти. Оломон кўпкарида сомон айланага улоқ ташлаган полвонларнинг шинавандалари айниқса кўп. Солимлар ҳам шунга яраша — гилам, телевизор, видеомагнитафонлар...

Бугунгача бўлиб ўтган мусобақаларга Жиззах тумани ҳокимлиги, вилоят газ тармоқлари корхонаси, Жиззах ва Дўстлик нефть маҳсулотлари корхоналари, Ўзбекистон — Британия «Жибри» қўшма корхонаси, «Эл-Эрк-Нур» шўъба корхонаси, коммунал фойдаланиш ҳудудий бошқармаси, банклар ҳомийлик қилишди.

— Беллашувлар чоғида бу йил март ойида Самарқандда ўтадиган миллий чемпионатда қатнашадиган вилоятимиз терма жамоаси таркиби ҳам шаклланаяпти, — дейди вилоят от спорти, улоқ кўпкари федерацияси раисининг ўринбосари Аҳмаджон Каримов. — Ўтган йили республикада 2-ўрин билан кифояланган бўлсак, энди ғолиблик учун астойдил курашамиз.

Кўриниб турибдики, чавандозларнинг беллашувлари қизигандан қизиб бораяпти. Минглаб ишқибозлар кўз ўнгида зўрлар саралананяпти. Зўрларнинг зўри, бош совринлар эгалари эса «Наврўз» байрами шодиёналарида бўладиган охирги турда аниқланади.

Насиб этса, худди ўша полвонларни Қирғизистон, Қозоғистон, Туркия ва Франция чавандозлари қатнашадиган халқаро мусобақаларда кўрамиз.

Баҳриддин САТТОРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

РАСМИЙ ДИСТРИБЬЮТОР
Micros®
CAS
КАФОЛАТ МУДДАТИ 2 ЙИЛ
Ҳар қандай кўринишдаги электрон ТАРОЗИЛАР
Товар сертификатланган
Биз бутун жаҳонни ўлчаймиз
САВДО УЧУН
ЕРГА ЎРНАТИЛАДИГАН
КРАНЛАР УЧУН
ЛАБОРАТОРИЯ УЧУН
МАХСУС ПЛАТФОРМАЛИ
ОМБОРХОНА УЧУН
АВТОМОБИЛЬ ВА ТЕМИР ЙЎЛ ТАРОЗИСИ
e-mail: scales@ucd.uz web-site: www.ucd.uz
700060, Тошкент, С. Азимов кўч, 72а
Тел.: (371) 133-85-77, 120-68-61
132-06-61; факс: (371) 132-06-85
Мовароуннаҳр кўч, 19
Тел.: (371) 133-53-79

ОЛАМ НАФАСИ

Янгиликлар, воқеалар, далиллар

Иерихон фаластинликларга берилади

Исроил яқин кунларда Иордан дарёсининг Ғарбий қирғоғида жойлашган Иерихон шаҳрини Фаластин ҳукумати назоратига беришга тайёр эканини билдирди. Фаластин раҳбари ва Исроил мудофаа вазири Шауль Мофаз билан чегара ҳудудда жойлашган «Эрец» назорат пунктида бўлиб ўтаётган музокараларда ана шундай келишувга эришилди.

Иерихон ҳудудда тинчлик ўрнатиш режасига биноан фаластинликлар назорати остига ўтиши лозим бўлган бешта ҳудуддан биридир.

Бағдодда яна нотинчлик

Ироқ пойтахтининг марказида кучли портлаш содир бўлди. Унинг оқибатида 1 киши ҳалок бўлди ва 10 нафар одам тан жароҳати олди. Маҳаллий оммавий ахборот воситаларининг хабар беришларича, мамлакат қишлоқ хўжалиги вазирлиги яқинида юз берган ушбу қўпорувчиликни камикадзе амалга оширган. Маълумотларга қараганда, портлаш содир этилган ҳудудда ироқлик полициячилар меҳмонхонаси жойлашган.

Ҳарбий жиноятларда айбланмоқда

Косово Бош вазири Рамуш Харадинай собиқ Югославия бўйича Гаага трибунали томонидан ҳарбий жиноятларда айблангандан сўнг истеъфога чиқанди. Ассашиэйтед пресс агентлигининг хабарига кўра, Харадинай Гаагага учиб кетмоқчи эканини билдирди.

Харадинай ўтган асрнинг охирида Косовонинг ғарбий ҳудудларида албан жангариларига раҳбарлик қилган эди.

Истеъфо рад этилди

Боливия Конгресси мамлакат президенти Карлос Месанинг истеъфога чиқиш тўғрисидаги илтимосини рад этди. У бир йилу беш ойдан буён мамлакатга раҳбарлик қилаётган эди. Месанинг бундай қарорга келишига Боливияда қарийб ярим йилдан буён давом этаётган норозилик намойишлари сабаб бўлди.

Маълумотларга кўра, Конгресснинг қароридан сўнг Карлос Меса ўз фаолиятини давом эттиришга тайёр эканлигини билдирган.

Қўшинлар шарққа йўл олди

Сурия Ливаннинг жануби ва шимолидан ўз қўшинларини олиб чиқа бошлади. Бу ҳақда Сурия мудофаа вазири Абдул Раҳим Мурод маълум қилди. Суриялик ҳарбийлар қўшни давлатга 1975 йилдан 1990 йилгача давом этган фуқаролар уруши даврида тинчликпарвар кучлар сифатида киритилган эди.

Жангарилар етакчиси йўқ қилинди

Ўтган куни Чеченистоннинг аҳоли пункти — Толстой-Юртда жангарилар етакчиси Аслан Масхадов ўлдирилди. Шимолий Кавказда контртеррорчилик операцияларни бошқариш бўйича Минтақавий тезкор штаб расмий вакили, генерал-майор Илья Шабалкин ушбу маълумотни тасдиқлади ва Масхадов ўша ердаги уйлардан бирининг остига қурилган бункерда яширинган эканини маълум қилди. Ҳарбий амалиёт пайтида 12 нафар жангари қўлга олинган.

Қисқа муддат ичида...

Грузия Бош вазири Зураб Ногаидели Россия ҳарбий базалари қисқа муддат ичида мамлакатдан олиб чиқилиши лозимлигини билдирди. «Грузия ҳукуматининг бу масаладаги нуқтаи назари аниқ, у ҳам бўлса Россия ҳарбий базалари мамлакатдан иложи борича тезроқ олиб чиқилиши керак» деди у.

Россия мудофаа вазирлиги матбуот котиби, полковник Вячеслав Седов ИТАР-ТАСС агентлигига берган интервьюсида Россиянинг Грузиядаги иккита ҳарбий базасини олиб чиқиш муаммосини ультиматум орқали ҳал этиб бўлмаслигини маълум қилди ва икки давлат вакилларидан ташкил топган ишчи гуруҳи ана шу масала бўйича ишлаётганини таъкидлади.

Расмий айблов

Украина Бош прокуратураси журналист Георгий Гонгадзе ўлимига дахлдорликда гумон қилиниб қўлга олинганларга нисбатан расмий айблов эълон қилди. Бу ҳақда мамлакат президенти Виктор Ющченко Берлинда журналистларга маълум қилди.



Украина бош прокурори Святослав Пискун Гонгадзенинг ўлимида иштирок этганлар ҳибсга олинганлиги, бундан ташқари ушбу жиноятни амалга оширишга бўйруқ берганларнинг номлари маълум эканини таъкидлади.

Маҳсулот ва хизматлар учун тўлаш қулай бўлган самарали восита.
Автокредитларга тез ва осон пул тўлаш.
Ҳар ойда ўртача ойлик қолдиққа 2% даромад тўлаш.
Карточка йўқолган ёки ўғирланган тақдирда Сиз пулингизни йўқотмайсиз.
Қалбаки қоғоз пуллар хавф - хатари истисно қилинади.
Ўзингиз томонидан харажатларингизни сарҳисоб қилиш жуда осон ва қулай.
Барча турдаги карточкаларда суғурта қилиш кўзда тутилган.
Мурожаат учун телефонлар: 120-83-14, 120-39-18, 144-56-55 125-50-26, 120-84-07
ASAKA BANK
Ҳурматли хонимлар ва жаноблар! Давлат акциядорлик тижорат «АСАКА» банки Сизларга ПЛАСТИК КАРТОЧКА – замонавий банк хизматларидан фойдаланишни таклиф этади!
ASAKA BANKI
9860 0202 0000 0000
EXPIRE DATE 00/0000
Mr. Cardholder

KLPT ИМТИҲОНИ ҲАҚИДА ЭЪЛОН
Korean Language Proficiency Tect
Имтиҳон куни — 2005 йил 24 апрель.
Ҳужжат қабул қилишнинг бошланиши — 2005 йил 24 февраль.
Ҳужжат қабул қилишнинг охирги куни — 2005 йил 25 март.
Ҳужжат қабул қилиш жойи — «FAN KLAPT» МЧЖ ўқув маркази.
Қўшимча маълумот олиш учун телефон: 41-45-80. Манзил: Ўзбекистон, Тошкент ш., Шайхонтоҳур тумани, Зулфияхоним к., 3-уй, «FAN KLAPT» ўқув маркази.
Корея Республикаси олий ўқув юртларида корейс тилини ўрганиш учун ҳамда алоҳида шартнома асосида Кореяга ишга борувчилар учун.
http://www.klpt.com
KLPT сертификати ҳақиқийдир. Хизматлар лицензияланган.

«ХАЛҚ СЎЗИ»га ЭЪЛОНЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.
9.00 дан 18.00 гача
136-09-25
132-10-63
242-хона
E-mail: Xalk_suzi@rambler.ru

"ТЕХСЕЛЬСНАБ" МЧЖ
Тошкентдаги омборхонадан Россия Федерацияси заводларида ишлаб чиқарилган АВТОМОБИЛЛАР ва ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК техникаларининг ғилдиракларини таклиф қилади.
Пул ўтказиш йўли билан Ғалла ва пахтанинг 23210, 23220 траншларини ҳам қабул қилади
Тошкент ш., Чилонзор-2, Гагарин кўч., 26
Тел./факс: 77 1451, тел.: 79 9468 103 7234, 334 6421.

Шу замоннинг ёшлари

(Давоми. Боши 1-бетда).

Мамлакат миқёсида ёшлар сиёсатини амалга оширишга бўлган заруратни тақозо этадиган яна бир муҳим жиҳат, бу — ёшларнинг сиёсий жараёнларда фаол иштирок этишидир. Олий Мажлиснинг Қонунчилик палатасига ва маҳаллий Кенгашларга бўлиб ўтган сайловларда уларнинг фаоллиги бирмунча сезиларли бўлди. Ўзбекистон Республикасининг Испаниядаги фахрий бош консули Сантьяго Руиз-Моралес бизнинг балоғат ёшидаги фарзандларимиз мустақил фикрга эга эканлиги диққатини тортганини алоҳида таъкидлади.

Тан олиш керак, мустақилликнинг илк давридан бошлаб, мамлакатимизда баркамол авлодни шакллантириш давлат сиёсатининг ажралмас қисмига айланди. Шу мақсадда "Ёшларга оид давлат сиёсати асослари тўғрисида"ги Қонун қабул қилинди. Қолаверса, ёшларнинг сиёсий партиялар фаолиятида, ўзини ўзи бошқариш органлари ва жамоат ишларида, сиёсий бошқарув жараёнларида фаоллик кўрсата олишлари, ўз жамоат ташкилотлари ва ҳаракатларини тузишлари, уларда ўз манфаатлари ва иродаларини ифода этган ҳолда иштирок этишлари учун барча ҳуқуқий асослар яратилди. Лекин гап биргина олиб борилган ишларда эмас, аксинча, унинг таъсир доираси қай даражада эканлигида.

Дарвоқе, бугун юртимизда 400 га яқин республика аҳамиятига молик жамоат бирлашмаси фаолият кўрсатади. Уларнинг аксарияти ёшлар муаммоларини ҳал этишга доир турли тадбирларни амалга ошириб келмоқда. Жумладан, республика ёшларининг "Камолот" жамғармаси заминида молиявий имкониятларга эга "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати 2001 йилда Президентимиз қўллаб-қувватлаши билан тузилган эди. Ўтган вақт ичида, айтиш мумкинки, Ҳаракат ўз дастури доирасида қатор ижобий ишларни амалга оширди. Ҳозирги ёшларнинг ҳуқуқий маданияти, савияси, сиёсий дунёқарашини "Камолот" ЁИҲ Марказий Кенгаши раиси, Сенат аъзоси Ботир Убайдуллаев қуйидагича изоҳлади:

— Албатта, жамиятдаги ҳар бир ўзгариш аҳолининг у ёки бу қатламига таъсир этмасдан қолмайди, шу жумладан, ёшлар қатламига. Юртимиз аҳолисининг тўртдан уч қисмини ёшлар ташкил этади. Улардан маълум қисмининг ҳуқуқий саводхонлиги юқори савияда бўлмаслиги мумкин. Лекин кўпчилиги мустақил фикрга эга.

2004 йил ўрталарида Республика "Ижтимоий фикр" жамоатчилик фикрини ўрганиш маркази ёшларнинг сиёсий фаоллиги борасида сўровнома ўтказди. Ана шу тадқиқотлар натижасидан келиб чиққан ҳолда юртимиз ёшларининг сиёсий фаоллигини ривожланган давлатлар ёшлариники билан таққосласак, бизда анча паст. "Сайловнинг ўзи нима, икки палатали парламент қандай тартибда ишлайди?" каби аниқ саволларга кўпчилиги тўлиқ жавоб бера олмаган. Бу эса уларнинг бевосита сиёсатга қизиқиши сустлигини кўрсатади. Аммо шуни инобатга олиш керакки, биз кўпроқ мустақиллик йилларида ушбу масалага эътиборни кучайтирдик. 90-йиллар бошидаги ёшлар фаоллиги билан ҳозирги ёшларнинг фаоллиги, ҳуқуқий саводхонлиги, ҳаётимизда бўлаётган ўзгаришларга бефарқ эмаслиги кўрсаткичлари сезиларли даражада ижобий томонга ўзгарган.

Сиёсий иштиёқ қачон уйғонади? Қачонки, сиёсатга қизиқсак, аниқроғи, қизиқ олсак. Бу борада катталарнинг тажрибаси етарли. Улар сиёсатни ўз қаричи билан ўлчайди, ёшлар эса... Суҳбатдошимиз бу ҳақдаги фикрини шундай ифодалайди:

— "Камолот" қандайдир ғояларни ўртага ташлайдиган сиёсий ташкилот эмас. Шундай бўлса-да, у ёшларнинг фаоллигини нафақат ижтимоий томондан, балки касб-ҳунарга, ўз ҳақ-ҳуқуқини англашга бўлган ҳуқуқларини ҳам ҳимоя этади. Бу ташкилотнинг бирламчи вазифаларидан. Бўлиб ўтган сайловлар арафасида аввалги сайловлар билан ҳозирги сайлов ўртасидаги катта фарқни тушунтиришга ҳаракат қилдик. Ўтган йили "Мен сайловга тайёрман" республика кўрик-танловини ўтказдик. Унда ёшларнинг муайян қисми сиёсий жиҳатдан чуқурроқ билимга эга бўлди. Агар ҳар бир ташкилот шундай ишларни амалга оширганида эди, ёшларнинг сиёсий билимлари ва фаоллиги янада ошган бўларди.

Шу ўринда яна бир далил: "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати ёшларнинг ўй-ташвишларини, орзу-интилишлари ва муаммоларини давлат ташкилотларига етказиб берадиган, баркамол авлодни тарбиялайдиган, комил инсонни шакллантирадиган, уларнинг ҳақиқий ҳимоячиси ва ҳомийси сифатида фаолият юритадиган нодавлат ташкилот мақомига эга.

Хўш, ўтган давр мобайнида у ўз номини қай даражада оқлади?

Республика "Ижтимоий фикр" жамоатчилик фикрини ўрганиш маркази томонидан республикамиз халқ хўжалигининг турли соҳаларида ишловчи ёшлар, ўқув муассасаларида таҳсил олувчи ўқувчи-талабалар орасида айни мақсадда ўтказилган сўровнома натижаларига кўра, респондентларнинг 63,8 фоизи Ҳаракат тўғрисида етарли маълумотга эга эканлигини, 49,8 фоизи унинг фаолиятида мунтазам иштирок этишини (33,5 эса доимо эмас), 69,9 фоизи Ҳаракат ёшларнинг манфаатларини ҳимоя қилишда ҳақиқий кучга айланиб бораётганлигини таъкидлаган.

— Албатта, бу бизни қувонтиради, — дейди Б. Убайдуллаев. — Лекин бугун Ҳаракат фаолиятида муаммо ва камчиликлар йўқ ёки кам дейиш бу ҳақиқатдан анча йироқ гап. Асосий муаммо — Ҳаракатнинг негизи — бошланғич ташкилот фаолиятини йўлга қўя олиш ва уни Ҳаракат аъзолари томонидан ихтиёрий ва фаол равишда олиб борилишини таъминлашдир. Афсуски, бугун бу ишларни кўпроқ юқоридан йўналтиришга тўғри келмоқда, ташаббуснинг қуйидан чиқиши оқсаяпти. Бунга, бир томондан, туман-шаҳар бўлимларимиз ишни талаб даражасида ташкил эта олмаётгани, бошқа томондан ушбу масалага бошланғич ташкилот, муассаса раҳбариятининг эътиборсизлиги, улар ташкилий, услубий жиҳатдан маслаҳат ва ёрдам кўрсатмаётгани сабаб бўлмоқда. Ахир ёшлар билан ишлаш масаласи фақат ёшлар ташкилотининг вазифаси бўлмаслиги керак.

Айтиш мумкинки, ўтган фурсат ичида "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати қошида ташкил этилган "Камалак" болалар ташкилоти ҳақиқий фидойиларини кашф этишга интилмоқда.

— Сиёсий билим беришнинг эрта-кечи йўқ, — дейди "Камалак" болалар ташкилоти раиси, Марказий Кенгаш раисининг биринчи ўринбосари Қ. Куронбоев. — Шу боис мактабда фарзандларимизга нафақат билим бериш, уларнинг малака ва қобилиятларини ўстириш, балки жамиятнинг маданияти ва анъаналари бўйича тасаввурга эга бўлишлари учун ҳам имкон яратяпмиз. Бугун "Камалак"дан чиқаётган болалар "Камолот"нинг ҳақиқий суянчига айланса, эртага юртнинг таянчига айланишига ишонамиз.

Франциялик тадқиқотчи олим Шомбар де Лов ўтган асрнинг 60-йилларида ўша давр ёшларининг қизиқишларини ўрганган экан. Маълум бўлишича, аксарият йигитларда сиёсатга қизиқиш кузатилган. Улар нуфузли ўқув юртларида таҳсил олиш билан бирга, сиёсий арбобларнинг турли мунозараларида иштирок этишни хуш кўрганлар. Олим хулосасига кўра, ёшларнинг сиёсатга қизиқиши атрофдаги воқеа-ҳодисалардан, дея баҳоланади. Бундан демоқчи бўлганимиз, ҳаётга катта орзулар билан кириб келаётган ёшларимиз онгидаги ўзгаришлар, сиёсий фаоллик даражаси юртимиздаги демократик ислоҳотлардан таъсирланиб бораётгани айни ҳақиқатдир. Нафақат олий ўқув юртлари талаба-ёшлари, балки узоқ тоғ қишлоқлари ёшлари ҳам замон руҳини илғашда унча-мунча зиёлидан қолишмайди. Уларнинг фикрлашлари, ҳаётга қарашлари, янгиликларга ўчлиги ёш авлодда янгича руҳият шаклланиб бораётганлигини кўрсатади.

Сўнгги мулоҳаза шуки, долзарб муаммолар бўйича баҳслашиш, ўз фикр-мулоҳазаларини эркин баён қилиш, суҳбатдошининг нуқтаи назарини эшитиш орқали ёшлар сиёсати шаклланиши бор гап. Зеро, бугунги замон талабларига ҳар томонлама жавоб берадиган ёшлар билими ва савияси эртанги кунимиз қандай бўлишини белгилаб беради.

Зиёда АШУРОВА,
"Халқ сўзи" мухбири.

Спорт

«Ника» пешқадам

Бухорода аёллар ўртасида баскетбол бўйича Ўзбекистон чемпионати иккинчи тур ўйинлари бошланди.

Чемпионатда Навоий вилоятининг "Ника", Фарғонанинг "Нефтчи", Бухоронинг "Университет" ва Тошкент шаҳридан учта жамоа иштирок этаяпти. Биринчи тур мусобақаларидан сўнг, "Ника" жамоаси 10 очко билан турнир жадвалида пешқадамлик қилмоқда.

Иккинчи босқич учрашувлари 13 мартгача давом этади.

Бишкекдаги ғалаба

Қирғизистон пойтахти Бишкек шаҳрида ўсмирлар ўртасида эркин кураш бўйича Осиё чемпионати якунланди.

Мазкур мусобақада ўзбекистонлик полвонлар умумжамоа ҳисобида фахрли тўртинчи ўринни қўлга киритдилар. Шахсий биринчиликда ҳамюртимиз Нагмет Ешетоев ўз вазн тоифасида олтин медални қўлга киритди. Дилшод Шукуров, Ихтиёр Наврўзов ва Рустам Раҳимовлар ўз вазн тоифаларида бронза медалларига сазовор бўлдилар.

«Самарқанд – Динамо» – олий лигада

Термизнинг "Сурхон" жамоаси олий лига ўйинларидан четлатилгач, унинг ўрнига чемпионатда ўн уч ва ўн тўртинчи ўринларни эгаллаган жамоалар ўртасида ўтиш турнири ўтказилиши ҳақида газетамизнинг аввалги сонларида хабар берган эдик.

Ўтган куни "Пахтакор" стадионида ана шу жамоалар — "Самарқанд — Динамо" ва "Андижон" ўртасида олий лигага ўтиш турнири бўлиб ўтди.

Муросасиз курашлар остида ўтган учрашувнинг 76-дақиқасида Анваржон Ғофуров томонидан киритилган ягона тўп самарқандликларни олий лигага олиб чиқди.

З. ЖОНИБЕКОВ,
"Халқ сўзи" мухбири.

Ташкилот ва корхоналар раҳбарлари диққатига ! Товар сертификатланган

РОССИЯ АВТОМОБИЛЛАРИ КРЕДИТГА ВА ЛИЗИНГГА!

ИШЛАБ ЧИҚАРУВЧИ ЗАВОДЛАР ДИЛЕРИ «ИЖМАШАВТО» ОАЖ, «ГАЗ» ОАЖ да ишлаб чиқарилган барча турдаги моделларига буюртмалар қабул қилади ва сотади.

«ГАЗ-31105»

«ИЖ-2717»,

«ВАЗ-2106»

«ГАЗЕЛЬ»

Мулоқот учун телефонлар:
Тошкентда: (99871) 132-10-35, 132-12-01; 132-03-62, 186-12-94.

«ТРУБНАЯ МЕТАЛЛУРГИЧЕСКАЯ КОМПАНИЯ» (Российская Федерация) и
ОАО «УЗКОММУНМАШТАЪМИНОТ»
предлагают к реализации стальные трубы со склада в г.Ташкенте по нижеуказанным отпускным ценам.
Завод-изготовитель – «Северский трубный завод» (г.Полевской, Свердловская обл.)

Диаметры труб (мм)	Цена за 1 тонну сум. Цены действительны по 31.03.2005 г.		
ТРУБЫ ВОДОГАЗОПРОВОДНЫЕ ГОСТ 3262-75:			
ДУ 15х2,8 мм	944000	ДУ 40х3,0 мм	934000
ДУ 20х2,8 мм	944000	ДУ 50х3,0 мм	934000
ДУ 25х3,2 мм	944000	ДУ 100х4,0-5,0 мм	994000
ДУ 32х3,2 мм	934000		
ТРУБЫ ЭЛЕКТРОСВАРНЫЕ ГОСТ 10704-91; 10705-80:			
76х2,8-4,5 мм	994000	114х3,0-6,0 мм	994000
89х5,0 мм	994000	159х5,0-6,0 мм	1199000
108х3,0-4,5 мм	994000		

Кроме того, под заказ поставляем металлические трубы любого диаметра и назначения с трубных заводов, входящих в состав «Трубной металлургической компании» (Россия):
- Волжский трубный завод (г.Волжский, Волгоградская область);
- Северский трубный завод (г.Полевской, Свердловская область);
- Синарский трубный завод (г.Каменск-Уральский, Свердловская область);
- Таганрогский металлургический завод (г.Таганрог, Ростовская область).

Контактные телефоны: 134-05-75, 134-07-94, факс 132-20-56.
E-mail: uzkommashta@tkt.uz
Адрес: 700035, г.Ташкент, ул.Ниёзбек йули, 1, 7-й этаж, здание института «Узбеккоммуналлойиха».
Товар сертифицирован, услуги лицензированы.

Ёш ижрочилар танлови

Навоий вилоятининг Кармана туманида Муҳиддин Қориёқубов номидаги республика ёш ижрочилар кўрик-танловининг вилоят босқичи ўз ниҳоясига етди. Танлов ўнлаб ёш истеъдодларни кашф этди. Ҳайъат аъзоларининг хулосасига кўра, конимехлик С. Рисметов (рубоб), қизилтепалик Д. Ғайбуллаева (дутор), қўшиқ ижрочилик йўналиши бўйича М. Ҳаитова, Ф. Баҳронов ва бошқа бир қатор ёшлар ғолиб деб топилди. Энди улар танловнинг республика босқичида Навоий вилояти шарафини ҳимоя қиладилар.

М. ТОЖИЕВА.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Аграр, сув хўжалиги масалалари ва экология қўмитаси депутат М. Асқаровга онаси **Турдигул ХАЛИЛА ҚИЗИнинг** вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик изҳор этади.

Халқ сўзи
Народное слово

Бош муҳаррир Аббосхон УСМОНОВ

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 001-рақам билан рўйхатга олинган.
Буюртма Г — 261. 32634 нусхада босилди,
ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

ТЕЛЕФОНЛАР:
Газетхонлар билан алоқа ва минтақалар бўлими 133-52-55;
Котибият 133-10-28; Эълонлар 136-09-25.

Газета IBM компьютерида терилди ва операторлар Жамшед Тоғаев ҳамда Баҳодир Файзиев томонидан саҳифаланди.

Таҳририятда ҳажми 5 қоғоздан зиёд материаллар қабул қилинмайди.

t -Тижорат материали

МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — Ю. Ҳамидов.
Навбатчи муҳаррир — Г. Йўлдошева.
Навбатчи — Ҳ. Эшманов.
Мусаҳҳиҳ — Ш. Машраббоев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 21.30 Топширилди — 21.30 23456